



ТАНА ВА РУҲ МУНОСАБАТИ ИБН СИНО ТАЛҚИНИДА

Юлдашева Л.С.

ТДСИ доценти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8058363>

ARTICLE INFO

Received: 11th June 2023

Accepted: 19th June 2023

Online: 20th June 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Комил инсон – бу энг аввало маънан етук ва жисмонан соғлом бўлган шахсдир. Юртбошимиз бу ҳақда доим такрорлаб, фарзандларимизни чуқур мулоҳаза юритадиган, теран фикрлайдиган ва ўзининг позициясини мустаҳкам ҳимоя қила оладиган баркамол авлодни тарбия қилишимиз лозимдир. Бу муаммо кўплаб соҳаларнинг негизини ташкил этади.

Хўш, инсоннинг маънавий ва жисмоний саломатлиги нималарга боғлиқ? Бу борада замонавий-дунёвий ва диний таълимотлар нимага таянади? Маълумки Буюк табиб Ибн Сино инсон саломатлигида қуйидаги омилларни муҳим деб белгилайди:

1. Тананинг тўғри ривожланишида турли жисмоний машқларни бажариши;
2. Шахсий гигиена қоидаларига амал қилиниши;
3. Меъёрда озиқланиш, яъни яшаш учун ейиш ҳолати.

Худди мана шу қоидаларнинг барчаси бевосита руҳият камолотига таъсир этади. Жисмоний машқлар – “Даст ба кор”лик (машғуллик) ҳолати бўлса, шахсий гигиенага амал қилиниши – вужуд покизалиги орқали аъзолардаги рутубатлардан тозалаб, фикрлаш қобилиятига ижобий таъсир қилади. Тиббиёт нуқтаи назаридан олганда, кирланган тери ҳужайралари танадан чиқарилганда тана нафас олиши, тоза ҳаводан баҳра олиши ҳолати яхшиланади, демак ўлик ҳужайралар тана фаолиятига салбий таъсир қилар экан. Ўлик ҳужайралар вақтида тозаланмас экан, жисмонан касалликка чалиниш ёки маълум бир аъзонинг тўғри фаолият юритишига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Руҳнинг тупроқ-ла кирланиши завқ учун ейилган луқмаларидан ҳосил бўлгандир. Сув эса тупроқ ва балчиқни тозалаш учун яратилган. Одатий ва тўла таҳоратда ишлатиладиган сув мана шу қудсий руҳ юзидаги тупроқ изларини тозалайди. Тупроқ билан боғлиқ юкларни аритиб, уни енгиллаштиради. Бу тозалик узлуксиз равишда адо этилсагина раббоний нурлар барқ ура бошлайди.

Вужуд саломатлигининг учинчи талаби ейиш-ичишда ўрта йўлни танлаш – бу тана аъзоларини толиқтирмаслик. Яъни айрим аъзолар деганда – юрак, ошқозон,



жигарда ортиқча ёғ, сув, туз, шакар ва ҳ.к.лар туфайли қон айланиши меъёрини бузади. Бу эса тана саломатлигига путур еткази. Табиийки тана соғлом бўлмаса, унда руҳ аста-секин сўнади, яъни ривожланмай қотиб қолади.

Бундан ташқари, тана фаолиятига салбий таъсир этадиган омиллардан яна бири ёвуз руҳлар таъсири орқали бўлиши мумкин. Бир қанча табобат илмининг тадқиқотларидан шуни кузатиш мумкинки, турли руҳий ҳолатлар инсон организмнинг касаллигига сабаб бўлиши мумкин. Булар қўрқиш, тушда алаҳсираш, ноўрин жойда ўтириш ва ҳ.к. (Бундай ҳолатлар ёвуз руҳлар томонидан содир этилади.)

Руҳ – қадимги файласуфларимиз ва машойихларимиз нуқтаи назарича на фақат бир латиф (ғоят нозик) жавҳар, балки олий бир биологик қувват, Илоҳий оламдан нузул бўлган Раҳмоний нафас. Тириклик, ҳаёт жисм ва руҳ таносубиятидан ҳосил бўлган. Тана мавжудлиги муҳити ҳар тарафлама унинг фаолиятига таъсир қилади. Бу муҳит қўйидагича тасвирланади: яъни инсоннинг тана, руҳ, ақл, қалб ва уни ўраб турган биоаура, коинот (муҳит) бирламчи вазифани ўтаса, иккиламчиси – бу оила, жамият, қўни-қўшни, маҳалла ва ватандир.

Юқоридаги фикрлар асосида кўз олдимизда инсонга социал муҳит томонидан кўрсатиладиган таъсир намоён бўлади. Бизни ўраб турган муҳит макроолам бўлса, инсон шу муҳитда микроолам вазифасини адо этади. Яъни шу муҳит инсонга ўз таъсирини ўткази ва ўз навбатида инсон ҳам шу муҳитга ўз таъсирини ўткази олади. Унинг шахс сифатида камол топишида бевосита жамият мавжуд бўлиши шарт бўлса, комиллик сари интилишида биоаура, қалб ва руҳнинг хизмати каттадир.

Тасаввуф таълимоти инсонни руҳий камолот сари етакловчи таълимотдир. Унда комиллик даражаси қалб юксалишидан ташқари тана ва руҳ мутаносиблиги таълимотнинг умрбоқийлигини белгиловчи мезон ҳисобланади.

Фалсафий таълимотлар тарихига, уларнинг амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, уларни тана ва руҳ муносабатларига қараб уч турга ажратиш мумкин:

- 1) Танага асосий Эътибор,
- 2) Тана ва руҳга мўътадил муносабат,
- 3) Руҳ Олий Руҳга эътибор берилади.

Руҳнинг камолотини тана юксалишидан олдинда қўядиган таълимот фалсафада идеалистик оқим ҳисобланади. Тана ва руҳ камолотини ўзаро алоқадорликда олиб қарайдиган таълимот – тасаввуф таълимотидир. Лекин, шу тасаввуф таълимотида ҳам бир ёқлама қарашлар мавжуд. Унга кўра, тана фаолияти иккиламчи бўлиб, руҳият юксалса, унда комилликка эришилади, шунинг учун узлатга чекиниб, туну-кун ибодат билан машғул бўлишлик – дарвешона ҳаёт кечириш камолот учун зарур. Бу яссавийлик тариқатига хосдир. Унда моддийликдан воз кечиб, маънавий покланиш, руҳан чиниқиш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Ушбу тариқатда “хилват” масаласига катта ўрин берилган. Кубравия таълимотида ҳам шундай фикр бор. Хилват қуёш шуълалари ва кундуз ёруғлиги кирмайдиган қоронғу бир ерда турли хил машғулотлардан йироқлашиб ибодат қилмоқдир. Хилватга кирган киши туйғу аъзоларини жиловлайди, фаолиятдан тўхтатади. Бу эса қалбнинг очилиши шартларидандир. Уларнинг фикрича инсон бедорлиги ёки тананинг (жисм) турли дунёвий ишларга машғул бўлиши қалбни юксалишдан чалғитади. Чунки тушда бизга



кўринадиган, келажакни башорат қиладиган руҳий ҳолатлар ўнгимизда содир бўлмайди. Танҳолик, хилват – қалб юксалишига сабаб бўлса, тил (тана аъзоси)нинг сукути қалбнинг сўзлашига сабаб бўлади. Инсон қалби Аллоҳ манзил-макони экан, уни зикр қилиш жараёнида турли даража ва мақомларга юксалишига сабаб бўлади. Бу, бизнинг фикримизча бир тарафлама ёндашиш. Яъни жисм фаолиятдан тўхтатилиб, руҳ камолотини таъминлаш инсонни бунёдкорликдан ёки жамият учун наф келтиришдан сақлайди. Бизнингча – бу тана ва руҳнинг ўзаро муносибликда ривожланиши масаласи тўғри йўлдир. Чунки тана юксалиши руҳ билан алоқадорликда бўлади. Бунда тана юксалишининг биринчи шarti тана-вужудни покизалигидир. Кир ва ифросликларни тозаламагунча қудсий ва раббоний ҳузурга юксалиб бўлмас. Ички ва ташқи покизаликка эса Нажмиддин Кубро ўн асос (усули ашара) ва қуйидаги шартлар адо этилмасдан эришиб бўлмайди дейди.

1. Вужуд покизалиги;
2. Хилват;
3. Давомли сукут;
4. Давомий рўза тутиш;
5. Узлуксиз зикр;
6. Таслимият;
7. Хотирани поклаш;
8. Робитаи шайх;
9. Фақат мажбурият ҳолида ухлаш;
10. Ёйиш-ичишда ўрта йўлни танлаш.

Демак, тана ривожини руҳ ривожига асос бўлар экан, юқоридаги шартларга қўшимча сифатида жисмнинг дунё ишига машғул бўлиши, шу билан бирга унга боғланмасдан фориғ бўлиши яъни Қодирия таълимотидаги “Машғуллик ила фориғлик” ва нақшбандларнинг “Даст ба қору дил ба ёр” ҳолатида бўлишликни тақозо этади. Ушбу ҳолат тасаввуф таълимотида кенг тарқалган ва ҳозирги кунда барҳаёт бўлган нақшбандия ва қодирия тариқатининг бунёдкорлигидан далолат берувчи муҳим далилдир.

Демак, Ибн Сино танани руҳнинг камолоти учун восита ёки омил сифатида қараган бўлса, қодирия ва нақшбандия тасаввуфий таълимот ҳам руҳнинг камолоти учун тана асосий воситадеб ҳисоблайди. Айнан нақшбандия тариқати тасаввуфдаги ҳаддан ташқари ҳолатларни ислоҳга келтириб, риёзат ва покланиш камолотини жисмоний ва ижтимоий-ахлоқий эҳтиёжлар билан мувофиқлаштиришга интилиб келди.

References:

1. Юлдашева, Л.С. МУХАММАД ИҚБОЛ ДУНЁҚАРАШИДА ИНСОН МУАММОСИ // ОРИЕНС. 2023. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/muhammad-i-bol-dunyo-arashida-inson-muammosi> (дата обращения: 08.06.2023).
2. Yuldasheva. L.S. Jon tananing hayotiy kuchi. EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES PHILOSOPHY AND CULTURE. 2022. 14. 12.



3. Абдулхолиқ Гиждувоний. Мақомати Юсуф Ҳамадоний. // Таржимон. Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. –Т.: Янги аср авлоди, 2003
4. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. –Т: “Sanostadart”, 2019.
5. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Т.: Мовароунаҳр, 2004
6. Yuldasheva. L.S ABU RAYHON BERUNIYNIG ONTOLOGIK QARASHLARI. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 2023. 03.02.